

» MUNOSABAT

## МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ — ОНАЛАР ҚЎЛИДА

Ажодларимиз қолдиган қадриялардан энг улуғи аёлга бўлган меҳр-муҳаббат, хурмат-этибодир.

Хонадонимиз чароғони, фарзандарининг ҳомийси ҳисобланган бу ҳазрати зот ҳақида қанча сўзласак оз.

## МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ — ОНАЛАР ҚҮЛИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Аёлнинг жиноягта кўл уришибдан қаблар ларзага келади. Бундай ҳолат, шаксиз, жамиятнинг энг оғриқи нуқтасидир. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўимитаси ва унинг худудий бўйинмалари раҳбарлари олдига ҳукуни мухофаза қиувларни ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарни органлари билан биргаликда хотин-қизлар уртасида ҳукукбўзарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бир қатор вазифалар кўйилди.

Фармондаги яна бир эътиборли жиҳат фуқаролар йигинлари қошила хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласардаги маънавий-ахлоқий қадрияларни мустаҳкамлаш бўйича

мутахассис лавозимининг жорий этилиши билан боғлиқ. Бу нюхоятда мухим. Сабаби ҳар бир аёл минг оқила, доно бўйинмасин, барбири маслаҳатга, маънавий қўмакка эҳтиёж сезади. Янги лавозимга номзодлар етари билим, юқсанак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, зиминыдаги вазифани тўла-тўқис бажара оладиган аёллар орасидан сараланиши ҳам хотин-қизларга бўлган фамхўрлик намунасиdir.

Фармонда Хотин-қизлар ва оиласи кўллаб-кувватлаш жамоат фондини ташкил этиш ҳам кўзда тутилди. Ушбу тузилимнинг бosh мақсади оғир ижтимоий ахволга тушб қолган хотин-қизлар ва оиласалар, ногирон аёлларга

кўмаклашишга қаратилган. Зулфия номидаги давлат мукофотини 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган иқтидорли, зукоқ қизларга, шунда ҳам Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бир эмас, икки нафардан талабгорга берилиши ҳам, ўйлайманки, жамиятимизнинг ҳеч бир аъзосини бефарқ қолдирмайди. Зотан, илгари ушбу нуғузни мукофотга факат 22 ёшгача бўлган қизлар хужжат топшириши мумкин эди. Қолаверса, Президент фармонига кўра, энвалидка жамият ва давлат ҳаётидаги фаол меҳнат қилиган, фидойи хотин-қизлар учун “Мўтабар аёл” кўкрай нишони таъсис этилади. Фарзандларини тўлиқис

Насиба АБДУЛЛАЕВА

оиласида тарбиялаётган, кам таъминланган ўй-жой шароитини таъминлашга муҳтож оналар учун арzon уйларни куриш ва бериш тартиби ҳам ишлаб чиқилади.

Давлатимиз биз, аёллар ҳақида шунчалар қайғуриб, қонун ва фармонлар қабул қилиб, уларнинг ижроси йўлида жонбозлик кўрсатадиган экан, жамиятнинг мустаҳкам оиласи кўрсатишга барпо этиш, фарзандларимизни турли балою оғатлардан асрар, юртнинг асл инсонлари қилиб тарбиялаш, касбкоримизни сидқидилдан бажариб, фидойилик кўрсатишимиш ҳам қарз, ҳам фарз. Унутмайлик, милятимиз келажаги оналар қўлида.

Зукколяр лабораторияси” деб номланган интеллектуал бelliashuvda Япония, Хитой, Ҳиндистон каби бир қатор давлатлардан ёшлар иштирок этди.

Ҳамортизмиз — б-синф ўқувчиси Мирмуҳаммад Мирҳамидов юқори натижада кўрсатиб, биринчи ўринни кўлга кириди.

Эслатиб ўтамиз,

Мирмуҳаммаднинг ютуғи сўзимизни яққол

номидаги ижтисослаштирилган мактаб

Президентимизнинг 2017 йил 14 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилаган. Унда ёш авлод вакилларига математика, физика, информатика, чет тилии фаннаридан замонавий ва пухта билим берилмоқда.

Муҳаммад ал-Хоразмий

исботлайди.

Олимпиада голибини тақдирлаш маросимида мактаб директори Амирулла Абдуллаев сўзга чиқиб, бундай муваффакиятлар бардавом бўлишига ишонч

билиди. Воеқа сабабчисига маҳсус сертификат топшириди.

Шундан сўнг, мактаб ўқувчилари учун ментал арифметика бўйича маҳорат дарси ташкил этилди.


### » IMKONIYAT

## МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ

### Ёшлар иттифоқи қўмаги билан II гурӯҳ ногирони Рұксора Шодиева тадбиркорлик фаолиятини бошлади

Малик СИНДОРОВ

Мамлакатнинг курратини кўп нарса билан бөлгилаш мумкин. Лекин ҳамма замонда ҳам энг мухим омил баривир инсон бўлиб қола беради. Айнукса, ёш аёлод юқсанак маънавиятни, жисмонан соғлом бўлса, ҳаётидан қониқуб яшаса, истиқболига ишонса, буни, шаксиз, ўрт бойлиги деса бўлади.



Бугун биз, ёшлар учун нимаики имконият ва шароитлар яратилётган бўлса, бари давлатнинг меҳру эътиборидан дахолат беради. Ёшлар сиёсатни изчи, тизимили ва узулкисиз амала оширишда Президентимиз

ташаббуси билан тузилаган йирик нодавлат ташкилотаридан бири — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ўз ўрни бор, албатта. Ҳозирда ташкилот томонидан йигит-қизларни ижтимоий химоя қилиш, бандигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликка кенг жалб этиши борасида салмоқли

ишлар қилинмоқда. Биргина мисол: яқинда ёшлар иттифоқининг Нурота тумани кенгаши “Бўдик” маҳалласида истиқомат қиливни II гурӯҳ ногирони Рұксора Шодиевага ўйдан чиқмай даромад олиш имтиёзли кредит олиб беради.

— Менга кўрсатиган ҳайриҳоҳликдан миннадорман, — дейди Р.Шодиева. — Иттифоқ энг оғир кунимда ёлғизлатиб қўйади. Ўтган йили Нурота ижтимоий-ижтисодиёт коллежини тутадим. Аммо мутахассисларни бўйича иш топомадим. Шундан сўнг бизнес бошлаш ҳақида ўйладим. Таассуфки, кўлим қалталик қили. Энди кўнглим хотиржам — муаммо ҳал этилди. Насиб бўлса, оиласи ахволимни тезда ўнглаб оламан.

### » OSCHIQ MULOQOT

## ЕЧИМ, АЛБАТТА, ТОПИЛАДИ

Улуғбек ОРИПОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Чилонзор тумани кенгши маҳаллий “Камалак” сарарлари ҳамда Иттифоқ етакчилари билан очиқ мuloқot үтказди.

Тадбирда қатнашганлар ўз фаолиятидаги камчиликлар, жумладан, моддий-техник таъминот,

ёшлар билан ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олиши борасида юзага келаётган муаммоларни тилга олиди. Уларни яқдиллик билан ҳал қилиш мақсадиди етакчилар иштирокида кенгайтирилган ҳафтапарк йиғилишларини ўтказишга келишиб олини. Шу билан бирга, меҳнат жамоаларидаги ёшлар етакчиларининг фоалият кўрсатмоқда, —

оширишга қаратилган тренинг машҳулотларини ўтказиш масаласи кўндаланг қўйилди.

— Туманимизаги 32 та умумтаълим мактаби, унта ақадемик лицей, ўн битта касб-хунар коллежи, тўртта олий таълим мусассаси ҳамда 50 дан зиёд корхона ва ташкилотда ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда, —

деди Иттифоқининг маҳаллий кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Етакчиларнинг ўзига яраша дарду ташвиши бор. Бугунги мулоқот жараёнла ҳаммасига оидининг киритилди. Энди амалий чоралар кўрамиз.

Тадбир якунида етакчи

нардларга қарблашади. Бу ерда моҳир чеварлар фаолият кўрсатиб, элбоп трикотаж кийим-кечакларнинг янги моделарини яратиш устида изланяпти. Ишлаб чиқарни жараённи сўнгги русламаги асбоб-ускуналар ёрдамида бажарилади.

Қувонарлиси, бугунги



шу зайдада ўзимизга мос ва керакли қадрлар тарбиялашади. Ўтган йили умумий қиймати 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Фаол тадбиркорлик, инновациялар ва

технологияларни кўллаб-куватлаш йилида мазкур кўрсаткини янада оширишини мақсад қилганимиз. Албатта, бунинг натижасида янги иш ўринлари ҳам яратилади.

### » TASANNO!

## ЯНА БИР ЮТУҚ БИЗНИКИ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Муҳаллам ал-Хоразмий номидаги ахборот коммуникация технологиялари ўналишига оид сафларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси мантиқий арифметика бўйича ҳалқаро олайн олимпиадага ғолиб бўлди.

“Зукколяр лабораторияси” деб номланган интеллектуал бelliashuvda Япония, Хитой, Ҳиндистон каби бир қатор давлатлардан ёшлар иштирок этди.

Ҳамортизмиз — б-синф вакилларига математика, физика, информатика, чет тилии фаннаридан замонавий ва пухта билим берилмоқда.

Муҳаммад ал-Хоразмий



исботлайди.

Олимпиада голибини тақдирлаш маросимида мактаб директори Амирулла Абдуллаев сўзга чиқиб, бундай муваффакиятлар бардавом бўлишига ишонч

билиди. Воеқа сабабчисига маҳсус сертификат топшириди.

Шундан сўнг, мактаб ўқувчилари учун ментал арифметика бўйича маҳорат дарси ташкил этилди.

### » BATAN HIMOYASI — MUQADDAS BURCH

## ОҚ ЙЎЛ, АСКАРЛАР!

Шавкат КАРОМОВ

Юртимиздаги минглаб йигитлар Ватан олдигаги шарафли бурчни адо этмоққа шай. Жисмоний, маънавий-маърифий синоўлар ҳамда тиббий кўрикдан мубаффракиятли ўтган қашқадарёлик аллар ҳам куни кеча муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетгу.

Тантанали кузатув маросимида вилоят ҳокимиги, Жанубий-ғарбий округ кўмондонлиги, мудофаа ишлари бошкармаси, ёшлар иттифоқи ва бошқа нодавлат ташкилотлар вакиллари, ҳарбий

хизматга қақирилган тенгдошларимизнинг отоналари иштирок этди. Сўзга чиққанлар юрт тинчлигини асрар мүқаддас бурч экани, уни сиқиқишидан адо этмоқ кераклигини ўқтириди. Бугунги кунда Қуролли

Кучларимиз профессионал кадрлар билан таъминланаб, сержантлар таркиби тақомиллаштирилганда, аскарлар учун етариш шароитлар яратиб берилгани алоҳида таъкидланди.

— Ҳарбий бўлишини ишаги менда болалиданок кучли эди, — дейди Нишон туманинга ҳарбий хизматга отланган Жавоҳир Акбаров. — Шу мақсадда спорт билан жиддий шуғулланыпман. Армияга чақирилганимдан хурсандман. Ватанимиз чегарасидан мустаҳкам сафда туриб, ҳалқим, Президентимга сиқиқишидан хизмат қилишга вадда бераман. Тадбир сўнига барча аскарларга ташкилотчиларнинг эслалик совғалари топширилди.

### » BANDLIK DASTURI — AMALDA

## 100 НАФАР

## КОЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ

### ЯНГИ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАСИГА ИШГА ОЛИНДИ

Сумбул НУРМЕТОВА

Юртимизда ёшларнинг бағдигини таъминлашга қаратилган амалий саъ-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Урганч шаҳридан “Феруз-Хоразм” масъулияти чекланган жамияти худудининг замонавий корхоналаридан бири. Бу ерда моҳир чеварлар фаолият кўрсатиб, элбоп трикотаж кийим-кечакларнинг янги моделарини яратиш устида изланяпти. Ишлаб чиқарни жараённи сўнгги русламаги асбоб-ускуналар ёрдамида бажарилади.

Куна корхона ишчи-

ходимларининг асосий

контингенти

## » TASHABBUS

МИНГ БОР  
ЭШИТГАНДАН...

Бир гурух жиззахлик ёшлар  
Фориш төф полигонига бўлди.

Сардор БЕКЖОНОВ

“Миллий армиямиз — ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактаби” лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу саёҳатда диний-экстремистик оқимларга хайриҳо оиласларнинг 100 нафар фарзанди, шунингдек, Президент фармони билан афн этилган ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кафиллиги остида қамоқ жазосидан асрар қолинган йигит-қизлар қатнаши.

Ташабусга вилоят юқимилиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Марказий ҳарбий оқруг кўмандониги, ичкни ёшлар бўлуми ҳамда ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаси бош бўлди.

Ёшлар полигондаги ҳарбийларнинг яшаш шароити: ётко ва овқатланиш жойлари, машқ олиб бориладиган майдон, жанговар техника билан яқиндан таниши. Дала ўкув машгулотларини бевосита кузатиб, аскар акаларининг кўргазмали чиқишилардан баҳраманд бўлди. Айниқса, ўқотар куроллардан фойдаланиб бажарилган тактик ҳаракатлар ҳамда ҳақиқий танқларнинг юрши мемонларда унтилмас таассурот қолдиди. Акаларининг чақон ҳаракатларини

кузатган ёшларда ҳарбий соҳага ростмана қизиқиши биллий армиямиз куч-салохи-тияга ишонч уйғонган бўлса, ажаб эмас.

Ўзаро сухбат жараёнида ҳарбий қисм кўмандонлари ўқувчиларга полигондаги тартиб-интизом, ҳарбийлар томонидан кўлга киритилган ютуқлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Мазмунли мулоқотдан болаларнинг кўнгли тўлди.

Шундан сўнг, улар яна төф полигонига отланиб, ҳарбий пушкалардан ўқ отиш машқларини томоша қилиди.

— Очиби, бунақасини ҳаётимда биринчи бор кўришим, — деди ҳаяжонини яширомай Сожид Усмонова. — Бўнадай саёҳатда таклиф этилганимдан жуда хурсандман. Шу вактгача ҳарбий техника ва курол-аслаҳаларни факат телевизорда кўргандам. Бугун эса, ҳақиқисини ҳатто ушлаб кўришга ҳам руҳсат беринди. Ҳаммаси замонавий. Аскарларнинг шижоатини айтмайсизми. Уларга қараб Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, осуда, осойиша ҳаётимиз ишончни қўлларда эканини англадим. Бунинг учун ташкилотчилардан беҳад миннадорман.



## » MUSHOIRA

МУМТОЗ  
ШЕЪРИЯТ  
БАҲСИ

Шоҳруҳ ИБОДУЛЛАЕВ

Алишер Навоий ва Заҳирiddин Мұхаммад Бобурнинг таваллуда куннари муносабати билан Нұкус давлат педагогика институтидан мушоира ташкил этиди. Унда филология факультетининг ўзбек адабиёт кафедраси қошила фаoliyat кўрсатадиган “Ниҳол” тұтагары азольари иштирок эти.

Шеърият баҳси талаба ёшларнинг ўзбек мумтоз адабиётiga меҳри ва қизиқиши қаңчалик баланд эканини намоён ётди.

— Талабаларимиз дарслан кейинги машгулотларда ҳазрат Навоий ва Бобурнинг маънавий мересини чукурроқ ўрганиш имконига эга бўлмоқда, — деди “Ниҳол” тұтагариги раҳбари Нодира Алламбергенова. — Педагогика йўналишидаги олийгоҳларнинг ўзбек тили ва адабиётти таълимни гурухлари учун мумтоз лирикага ажратилган дарс соатлари филология йўналишиаги гурухларнидан анча фарқ қиласи. Муддат қисқалиги боис, нюхоятда теран мазмунага эга ба зин учун мурakkab туолган мумтоз шеърият жаҳрларини тўлиқ ёритиб бериш қийинчиллик тұтагариди. Шунни ҳисобга олиб, тұтагарда кўпроқ классик асарларга ургу берганимиз ўзбек мумтози таълимни таъминлаштирибди.

Мушоира давомиди иккى забараст изжодкор қаламига мансуб ғазал ва рубийойларни сабабларни ўқиди. Якунда фаол билимдонлар тақдирланди.

## » YOSH TADBIRKOR — YURTGA MADADKOR

ЭЛ ФАМИДА ЮРГАН  
ЖОНКУЯРЛАР

Дилкушо НАВРУЗОВА

Ўзбекистон ёшлар имтифоқининг Қизилтепа тумани кенгаси шу кунгача 18 нафар йигит-қизни тадбиркорликка жалб этди. Уларга банклардан салкам 90 миллион сўм кредит олишга кўмаклашилган.



Рифат Ортиковнинг таъкидашича, ҳудуддаги 82 минг нафар ёшлардан 1 минг 684 нафари ўшмаган қатламга мансуб. Иттифоқ уларни тадбиркорлик ва фермерликка жалб қиласи.

Навбатдаги мансиз — “Кулолон” маҳалласида 23 ёшли тадбиркор-фермер Фуркат Эшонқулов билан

таъминланди. Бундан ташқари, 7 нафар жисмоний имконияти чекланган ёш ижтимоий ҳимояга олинни, бир нафарига ўйложи ажратилиди.

Гапнинг исботини кўриш мақсадида “Азизобод” маҳалласида яшовчи тадбиркор Мирзоҳид Турдиев хонадонидаги йўл олидик.

Мирзоҳид қандолатчи. Унининг цехида саккиз нафар йигит-қиз ишлайди. Яқинда ёш тадбиркор Иттифоқ кўмаги билан корхонани замонавий печь билан жиҳозлади. Энди маҳсулотига харидорлар янада ортада.

— Узоқдан шу маҳаллага қатнайман, — деди цех ишчиси Динара Жабборова. — Қизлар ётоқхона билан таъминланган. иссиқ овқат ҳам берилади. Ишим ўзимга ёқади.

Навбатдаги мансиз — “Кулолон” маҳалласида 23 ёшли тадбиркор-фермер Фуркат Эшонқулов билан

танишидик. У томорқасида ихчам иссиқхона ташкил этиб, лимон, кўкватлар этиштиришмоқда.

— Энди фаолиятимни кенгайтириш ҳаракатини қилипман, — деди Фуркат. — Андижондан гул кўчкатларини келтириб, эзмоқчиман. ёшлар итти-

нафардан ортиқ ходим мөхнат қиласи. Барис ёшлар. Буни қарангки, уларниң 40 нафари Иттифоқ йўлланмаси билан келган. Дарвоқе, яқинда фабрикада ёшлар иттифоқининг бошлангич ташкилоти тузилиди. 25 ёшли Феруз Муродов етакчи этиб сайланади.

Шинам, озода фабрикада қўли-қўлига тегмай ишлаётган ўғиу қизларни кўриб дилдан қувондик. Ана шундай кўтаринки кайфиятда “Сарой” маҳалласига кириб бордик. Маҳалланинг наврастаси — 19 ёшли Азиз Шодиев уйда ўн беш хилдаги оёқ кийимлари тайёрлар экан. Тўрт нафар шогидар бор.

Ха, бугун Азиз, Фуркат, Мирзоҳига ўшаган гайроти, йигитларнинг толени баланд. Сабаби улар ҳало мөхнат қиласи, эл-юрт манфаати йўлида тинимизиз изланмоқда. Ватанимизга ана шундай жонкуярлар керак, аслида.



## DUNYO BIZ HAQIMIZDA

АҚШ ЭКСПЕРТЛАРИ  
ТИЛИДАМИЗ

Америкалик ҳалқаро эксперталар, сиёсатчилар ва таҳдичилар турли муҳокамаларда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги рўй берадиган ўзгаришлар хусусида фикр юритмоқда.

Яқинда Вашингтонда бўлиб ўтган давра сұхбати давомиди Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Стэрр қўйилади мулоҳазаларни баён этиди:

— Наазримда, Ўзбекистонда бошланган ислоҳотлар реал. Ўтган бир йил ичиза шу нарса обидинашди, Марказий Осиёнинг беш давлати ва Афғонистон бирга ишлашга қодир, уларда бунинг учун етарли хоҳиш бор. Бу мамлакатлар ўз ташкида ментақавий манбаатларни ҳисобга олиш ва ўзаро келинуш ётди. Ментақавий манбаатларни ҳисобга олишга юридики Республика — Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиликни кўлга олаётгани ижобий ҳолдир.

Гудон институти олими, Европа, Евросиё ва Шарқий Осиёдаги сиёсий ва ҳарбий масалалар бўйича эксперт Ричард Вайтнинг фикрича, расмий Тошкентнинг йиррик давлатлар, жумладан, Россия, Хитоя, АҚШ, шунингдек, Европа Иттифоқи билан алоқаларида уччалик ўзгариш йўқ. Нуғузни мутахассис Пезидентимизнинг дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш мақсадиди. Ўзбекистон Республикаси Ташкил ёшлар вазириллиги олдига янги, қатиъи талаб ва вазиғаларни кўяётганини ҳам қайд ётган.

— Январь ойининг ўртасида Шавкат Мирзиёев вазириллик доир ўтказган ўйнилишида визирдан тортиб, элчично дипломатлар ишига ташкидий муносабат билдириб, мазкур тизимни тубдан ислоҳ қилишга бел болганини айтди. Президент яқин келажакда бу борада ҳам катта ўзгаришлар бўлишига ишонч билдириди, — деди Р. Вайт.

— Ўзбекистонда ноҳукумат ташкилотлар фаол, лекин улар аслида мустақил эмас, ҳукумат назоратидагилари ҳам учрайди, — деди фикр билдириди Жорж Вашингтон университети профессори Шон Робертс. — Бу жиҳатдан ижобийлашув кўзга ташланмаятти. Шунга қарамай, мазкур ташкилотлар жамиятдаги мухим масалаларга ечим излаш, аҳолига ёрдам бериси ва имкон қадар ўз тақлифларини олға суришга ҳаракат қилаётгани қуонарли. Том маънодаги мустақил фуқаролик жамияти шаклланни учун Ўзбекистонда ҳали кўп ўзгаришлар бўлиши лозим.

Атлантика Кенгашидан етакчи эксперт, 2000 – 2003 йillarda АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси бўлган иштеводаги дипломат Жон Ҳербст мушоҳадаларига этибор беринг.

— Ўтган бир йил ичиза ташлаган қадамларга қараб Ўзбекистонда сиёсий-бизнес элита Президент атрофида бирлашганини кўриш мумкин, — таъкиллайди у. — Шавкат Мирзиёев қарорларни ўзи билганича қабул қилаётгани йўқ, у ўшган элитага таянимоқда. Халқнинг ишончини қозонидорларни норози томонидарни ўзига бўйсундирмоқда. Шу орқали Мирзиёев уста сиёсатчи эканини намоён эта олгати. Айтиётгандан гаплари, ташланганинг эхтиёткор қадамлари билан ҳаммани синовдан ўтказмоқда, тавакkal ҳам қилаётгани ани.

Сиёсий менталитет янгилини, ҳалқ әрқинлик ва қонун усувлориги деган қадрияларга кўнихиши учун нафакат сабр-қаноат, балки қаттаки мөхнат ҳам қилиш керак. Ислоҳотлар фақат Президентга боғлик эмас. Лекин давлат раҳбари ҳалқига бу йўлда етакчилик қилиши зарур.

“WELT TREND”  
саҳифасини ажратди

Германияда нашр этиладиган “Welt Trends” журналида “Ўзбекистон Марказий Осиёнинг янги қиёфасини шаклантироқда” сарлавҳали мақола ўзига қилинди. У Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё ментақаси доирасида олиб бораётгандан ташкида сиёсатига бағишиланган.

“Welt Trends” Шавкат Мирзиёев Президентини фаолиятини кўшинилар билан ўзаро алоқаларни яқинлаштириш, оддий фуқаролар ҳаётига салбий таъсир кўрсатадиган шартнома имзоланиб қолган ментақавий муммомларни ҳали этишдан бошлангани ҳақида ёзди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўтрасида давлат чегараси тўғрисидаги шартнома имзоланган, бекарорлик келтириб чиқарадиган омилларга барҳам берилгани, иккى мамлакат фуқароларига бириникига бориб-келиш қулаш бўлсин деб янги назорат-утиш пунктлари очигиган қайд этилди.

Мақолада 2017 йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Самарқандада Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланиши таъминлаш бўйича БМТ шафелигida бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарихи ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавzuидаги ҳалқаро конференция якунлари ҳам қаламга олинган.

“Жаҳон” АА материалари асосида тайёрланди.

## » ASLİYATDAN TARJIMA

Умар САЙФИДИН

## Саўр

Түрк тилидан  
Наргуза СҮЛТОНОЗА таржинаси.

Жюли хола чойину ичид бўлгач, деразаси ёнидаги оромкурсига суюниб, ташқарида ёғаётган лайлак-корниш ҳафири рақсину кузатиб, маҳлиё бўлиб қолди. Бошланган янги кун уни безовта қулаётган, нимадир қалбини тирнаётган эди. Бундай қорли кунарга кекса, хастахол одамларниш уйдан чуқиши қишин. Шу боис ўлар ҳеч бўлмаганда, қўнглини ёзиш учун майдо-чўйда юмушлар билан андармон бўлади.

**Ч**ойиб пинакка кетиш шунчалар жонига теккан эди... Эх, қанийди, тезор ёз келса-ю, йўғон ҳассасига суюниб ташқарига чиқиб, қўш нурларидан баҳра олса... Яна оиласи бағрига қайтса... Қадрон дугоналари билан сайрга чиқиб, буш вақтини бирга ўтказса...

Кутимаганда ташқаридан шовкин эшитиди. Жюли хола фаминг ўйларини бирдан унтути. Деразадан бошини чиқариб қарди: болалар мактабга кетаётган экан. Ол ёноқли, шўх, бақувват ўсмилар қор отиб, бир-бирини итариб-туртишиб, қорга юмалаб, оптоқ ўломлар ичра гард бўларди. Жюли хола болалигига қорни қанчалик яхши кўрганини

эслади...

Ўшанда қор ёққанида қанчалар севинарди-я. Ҳа, мана шу шавқ ила рақста тушаётгандай пага-пага ёғаётган қор... Соғлиги ва самимияти ила азиз бўлган қор...

Шуларни хаёлидан ўтказиб, бирдан сапчиб ўрнидан турди. Қалбила қандаидир иштиёк ўйонди. Қор ќўйнида ёш қизалоқ каби саир эттиси, қўнглини ёзгиси келди...

Пальтосини кийди, бошига рўмол ўради. У ўйлагиларнинг савол назари билан қарашига жавобан: "Нима деб ўйлагандингиз, ташқарига чиқсан нима қитти" дегандек кулиб, эшидан чиқди. Бирдан қорли ҳавонинг соювку шамоли ёноқларига урдили.

Лекин бўнга парво қилмасдан йўлда давом этди.

Сал юргач орқасига ўғирилиб, уйига қаради. Ўша зимиистон уйини тарк этганидан мамнун бўлганидан қадамини тезлатди. Ох, атроф қанчалар гўзл, оппоғ-а! Ора-сира қарта ўйинидаги қозғонинг қора нуқталари каби оғ ранг узра саккиз-ўнта қарға учиб ўтаётганга ўхшарди. У бутун ҳаётла бошдан кечирган саргузаштларини кўз олдига бирма-бир кеятириб, йўлида давом этди. Қор ёққан кунарда бу ерларда неча марта саир қырган. Кичкиналигда шу ерларда ўмбалоқ ошиб қорбўрон ўйнаганинни эслаб, кўлиб қўйди.

Атрофига қаради — жимжит... Кейин ерга эгилди. Қорни юмалоқлаб, ҳавога отди. Бу ишидан фалати бир завқ туиб,

чарчагуничча ўзи билан ўзи қорбўрон ўйнади. Терлар кетди. Терларини артаркан, ёнидан қандаидир қўлланка ўтгандай бўлди. Шаҳарчанинг доктори экан.

— Вой, Жюли хола, бу ерларда нима қилиб юрибисиз?

— Бироз айланад деб чиққандим.

— Шундай кунда-я.! Ҳавфли-ку, хола... Жуда ҳавфли...

— Аксинча, ўғлим, менга жуда ёқади.

Бундай ҳавонинг нимаси унга ёқан экан? Жюли хола кексалик ва қиши мавсуми орасида қандаидир боғлиқлар борлигини сезар, ҳозир ўзини ҳаётининг баҳорида кезиб юргандек ҳис қиради, гўё. Саир қилдётгандай ўзи учун қадрли хотираларни эслаб эди.

Ҳў, бир пайтлардаги севгилиси... Ҳеч кимга бидирмасдан учрашган, ана шу боғли ўйнинг ичда қандай баҳти даққидалар кечирганди... Шу топла бир пайтлар севган ўша ошигини кўргиси кеди.

Эшикни тақиллатди. Эшикни севгилисинг ўғни невараси очди.

— Бобонгиз ўйдами? — сўради Жюли хола.

— Ҳа, ўйда. Лекин қаттиқ касал.

— Касалми?

— Ҳа. Кирир кўрсангиз бўлади.

Аёл бир пайтлар қадрон бўлиб қолган, ҳозир ҳам ҳеч ўзгартмаган ҳовлига кирди. Эндиликда гиламлари эскирган хонадан фалати хид келарди. Собиқ севгилисинг қизлари, наваралари унинг боши устида ўйнаб ўтиради. У биринки қадам қўйиб, эгилди:

— Месеъ Али, мени танидингизми?

Бемор уни таний олмади. Ўлим билан олишатгани аён. Жон тавласасида, нималардир деб алаҳисариди.

Жюли хола у ердан чиққач, оптоқ қорни босиб борар, аммо боягидай ҳафаҳол ва ўйнан эмас, ҳушёр эди. Қовургалири остидаги енгил оғриқ уни ўлим ҳақида ўйлашга мажбур этди. Танасидаги оғриқ тобора кучайиб, энсасига қадар кўтарилиб келаётган эди. Нихоят, уйига етиб олди. Титраганча кийимларини еди ва ўзини тӯшакка ташлади.

Жюли хола қаттиқ касал. Оила азоларни унинг хонасига тўпланиб, туни билан навбатчилик қилиб чиқди. Бирок тун яримдан оққанда келган навбатчини кўриб, ўзини йўқотади деди. Ўша соатда докторга одам юборишган эди. Энди ҳамма жим, мотамсаро. Жюли хола ҳамон сўлғин, аллақандай қўрқу ва сукунат ичилади докторнинг келишини кутарди...

## » YOSHLIK ILHOMI

— Жонга тегди, шу серурғу мушукларинг! Ҳудди зоопарк коровулига ўхшайман.

Турбожоннинг ҳали кўзи очиммаган, янги туғилган болаларини эмизётган мушукни туртқилаётганини бир четда кузатига турган ўғли ва қизаси пик-пик йиғларди.

Уларнинг йидағига она мушук йилига туртта-бештагача болаларди, бу галиси ошиб туши — нақ саккизта-я! Ҳар сафар мушук болалаганида Турбожоннинг фифони фалакка кўтарилиб, овози бутун ўйни кўчиргудек бўларди. Эндиғи нијати ҳиджад — ҳамма мушукчаларни онаси билан бирга қопға солиб, сувга оқизиб юбормоқчи.

— Сарви, — деб хотинини чиқариди Турбожон. — Биронта эски қон топиб кел, бу шайтон малайларини адабини бериб қўйай! Шуларнинг дастидан оёқ қўйиши жой йўғи.

— Ҳай-ҳай, ўғлим, нима қиляпсан, болаларнинг кўркитяпсан-ку, — деганча ўйдан чиқди Турбожоннинг онаси Сораҳон ая. — Ҳали ёруғлини кўрмаган мушукчаларда ҳандай гуноҳ бўлиши мумкини, булаарни нобуд қўлсан. Мушукнинг қарғиши ёмон, болам. Қўй, жониворларга озор берма.

— Э, онажон, қарғас-қарғасин, менга бало ҳам урмайди. Энди қарғайди, деб ўйимни мушуксарой қўлайми!

— Ахир, бўлар ҳам тирик жон-ку. Кел, аввал сенга



## » YOSHLIK ILHOMI

Акбар РУСТАМЗОДА

## Она мушук қарғиши



бошимдан ўтган бир воқеани айтиб берайди. Кейин нима килсанг, ихтиёринг, — деб ҳоқиқини сораҳонни бўшади Сораҳон ая. — Болалигимда ўйимизда она мушук бўларди. Болалаб, жуда кўпайиб кетди. Ахийри отамнинг ҳам сенек тоқатитоқ бўлиб, она мушук ва беозоргина миёвлётган

охиз мушукчаларни бир ёкли қиммоқчи бўлди...

Ҳаёт дафтарикинг қора ҳарфлар билан битилган онларни эслаб, юрак-бағри эзилган Сораҳон ая намланган кўзларини артиб, сўзида давом этиди:

— Шундай, мен ва укаларим жуда ёш эзик. Эсимда, жума куни, шом пайти эди. Отам кўчага чиқиб кетди. Бир зум туиб, мени чақириди.

— Мушуквачаларнинг онаси билан олиб кел! — деб буюди.

Мен мушукчаларни, онам

еса, она мушукни олиб, биргаглашиб чиқди.

— Булаҳнинг зотига қирон келтираман ҳозир, — деби бир четда чуқур ковлаётган отам. Унинг бу гапидан кейин мени ҳам, онамни ҳам қаттиқ титроқ босди. Ичимда ўйлардим:

— «Наҳотки, шу менинг отам бўлса!». Онам иккимиз ҳарчандан уринмайлик, у кишини фикридан қайтаролмадик. Ҳатто бизга кўл кўтаришгача борди.

Хўлас, отам мушукчаларни чуқурга улоқтириб, устидан тупроқ ташлаётганида она мушук тиричилаб, ҳандайдир бир хунар овоз билан уввос тортди-да, жимгина ётиб кўмилишини кутди. Унинг бу ҳолатидан юрагим эзилиб, уйга кириб кетдим.

Орадан бир ҳафта ўтди.

Онам билан бувимнига боргандик. Кеч соат бешларда қайтаётганимизда бирдан

қолганди...

Катта укам: "Дадам, дадам", — деди, бошқа ҳеч нарса дея олмади. Овоз ваҳимаси эса, борган сайин кучайиб боради. Онам иккимиз жон ҳолатда уйга қараб чопдик. Аммо у ерда ҳеч қанақа мушук йўқ, фақат отам уввос солиб ўтиради...

Шу-шу ҳафтанинг ҳар жума куни, кеч соат бешларда отам она мушук овозида нола чекадиган бўлди. Табиб чақирдик, муллаға ўқитдик, бирортаси ҳам кор қимлади. Қишлоқда "Қарғиш кунар оила", деган ном олдик. Ҳамма биздан ҳазар қиласди. Отам вафот этди. Биз эса, туғилиб ўғсан жойимиздан узоқларга кўчиб кетдик. Болам, мушукларга тегма, умрим охирлаб борганди, яна қарғиша қолмай, — деби Сораҳон ая кўз ёшлиарини артиб.

Турбожон қўлида қоп ушлаганича таращадек котиб қолганди...

Онам билан бувимнига боргандик. Кеч соат бешларда қайтаётганимизда бирдан

## » PSIXOLOG MASLAHATI

— Болаликдан қадрон дўстим билан аразлашиб қолдик. Ҳато мендан ўтди, уни алдадим. Ярашишининг пайдада юрибман. Маслаҳат беринг, нима қилсан бўлади?

Ориф ҚОДИРОВ  
Самарқанд шаҳри



Саволга амалиётчи психол

Лўқмон КАЗАКОВ жавоб беради:

— Аввалинбор, ҳамма гап-сўзларга ойдинлик киртиб олиш керак. Лекин орага восита-чишларни кўшманд. Дўстингиз олдига шахсан бориб, дил ёринг, сұхбатлашинг. Аммо ўзингизни оқлашга уринманг, орқадан фибат ҳам қимланг. Гапни кўпайтирган мавзул. Акс ҳолда, вазият янада чигаллашиди.

Албатта, қадрон инсоннинг бирданлигидан ҳамаслиги мумкин. Ахир, у сиздан ҳафа-ку, кўнгли оғриганди! Ҳечкини йўқ, буни вақт тўғрилайди. Асосийси, сабр-тоқат қиласангиз, бас. Бундан бўйига фақат самимий муносабатда бўлиш зарур. Имкон қадар дўстингиз ҳаётини кузатиб, қийин дамда ёрдам беришига интилинг. У доими ёнида эканингизни ҳис қилисан. Муммом тўғилгандага сизга суюна олсин. Мана кўрасиз, секин-аста кўнгли юмшайди, дўстлигингиз тикланади.

«YOSHLAR OVOZI»-дан материялларни кўчириб босиши таҳририят руҳириши шарт. Таҳририятта келган кўллэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчilar кўчаси, 32.

Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.

(371) 233-79-69 (факс).